# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

*17- сон* *2022 йил “27 “ июн*

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган **Наманган туман мактабгача таълим булими** номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **О. Хужаев** бир томондан ва кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган **MUSTAFA FIRST DESIGN МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи **М.Гуламов** иккинчи томондан **3-сонли ДМТТ ички хожатхоналари ва ташки деворининг жорий таъмирлаш ишларига** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

**“ижро ҳужжатлари”: -** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**“қурилиш майдони”:**Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вақтинчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:-** сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолдашартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **3-сонли ДМТТ ички хожатхоналари ва ташки деворнинг жорий таъмирлаш ишлари** ни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори **(2022 йил “_____” ____________даги “_______/1,2,3” сон баённома)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС сиз **170 000 000 (Бир юз етмиш миллион) сўм**ни ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйичаПудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "____" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- "____" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага илова мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **40 кун ни ташкил этади**.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

### VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 51 000 000 (эллик бир миллион )** сўм ни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг ___% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиклигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка)қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бухақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишгаҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб _60_кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи

Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари,асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 36 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 36 ой этиб белгиланади.

50.Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.1% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг0,4фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг _0,4фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандайкелишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учунҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| **Наманган туман Мактабгача таълим булими** | **"MUSTAFA FIRST DESIGN" МЧЖ** |
| Наманган т Катта Тошбулок МФЙ<br>Мустакиллик кучаси 5-уй<br>Банк:марказибанк<br>Х/Р:401722860142127091100251013.<br>МФО: 00014 ИНН: 305153415<br>Уз рес Газначилиги<br>Х/Р 23402000300100001010<br>ИНН: 201122919<br>Мфо: 00014 | Наманган шахар Бог кучаси 38-уй<br>Банк: АТБ Турон банк Наманган ф-ли<br>Х/Р 2020 8000 9053 6052 4001<br>МФО 00226 ИНН: 308 297 416 |
| Раҳбар: ______ О.Хужаев<br>М.У. ______ | Раҳбар: ______ М.Гуламов<br>М.У. |

# М У Х О К А М А   А Х Б О Р О Т И

Наманган.т

“27_”_06_ 2022 йил

Наманган вилояти худудидаги _Нманган туман мтб_ ташкилоти томонидан 2022 йил “ 03” Июндаги _2110012104835_ сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича товар (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича Мустафо фирст десеги мчж (УК, ДУК, Х/К) томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди.Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти рахбари О.Хужаев

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104835 на приобретение Наманган тумани мактабгача таълим булим тасарруфидаги 3-сонли ДМТТ ички хожатхоналари ва ташки девор жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 22.06.2022

Время рассмотрения 21.06.2022 18:23

Конкурсная комиссия Наманган туман мактабгача таълим булими марказлашган, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAYRULLAYEV TURSUNBOY ULUG'BEK O'G'LI | Курилиш мутахасиси | Булим |
| **Секретарь комиссии** | QOSIMOVA UMIDA YULDASHBOYEVNA | Специалист | Наманган т., МТБ |
| **Член комиссии** | BOLTABAYEVA INOBAT XOLMUROTOVNA | 3- МТТ мудираси | 3 МТТ |
| **Член комиссии** | BOBORAXIMOV ABDULLO SHAROFITDINOVICH | Зам главного бухгалтера | Наманган т., МТБ |
| **Член комиссии** | YUNUSOV DILMUROD ABDUBANNAYEVICH | 3-МТТ хўжалик мудири | 3 МТТ |
| **Член комиссии** | MUMINOVA GULLOLA ERKINOVNA | Касаба уюшмаси | Булим |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.06.2022 года № лота 104835.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по текущему ремонту сооружений** |
|---|---|
| Подробное описание | Наманган тумани мактабгача таълим булим тасарруфидаги 3-сонли ДМТТ ички хожатхоналари ва ташки девор жорий таъмирлаш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 172 464 571.00 |
| Стартовая сумма | 172 464 571.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Пудратчининг ишларни олиб бориш жараёнида фойдаланиладиган асбоб ускуналар ва механизмлар рўйхати. Пудратчининг техникалари мавжудлиги тугрисида маълумот, Корхонанинг ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар. Такдим этилган кафолат хатида бажарилган ишларга кафолат, ҳамда белгиланган муддат ичида қилинган ишлардан нуқсонлар ва камчиликлар аниқланса Пудратчи ташкилотнинг ҳисобидан алмаштирилиши ва қайта таъмирлаб берилиши инобатга олиниши шарт. Танлов қатнашчисининг пакетида талаб этилган ҳужжатлар бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг ишларни олиб бориш жараёнида фойдаланиладиган асбоб ускуналар ва механизмлар рўйхати. Пудратчининг техникалари мавжудлиги тугрисида маълумот, Корхонанинг ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар. Тақдим этилган кафолат хатида бажарилган ишларга кафолат, ҳамда белгиланган муддат ичида қилинган ишлардан нуқсонлар ва камчиликлар аниқланса Пудратчи ташкилотнинг ҳисобидан алмаштирилиши ва қайта таъмирлаб берилиши инобатга олиниши шарт. Танлов қатнашчисининг пакетида талаб этилган ҳужжатлар бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO MUSTAFA FIRST DESIGN | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |
| OOO BUYUK IMORAT TA'MIR | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |

Критерий №2 Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати билан қатнашмоғи лозимКорхонанинг шу даврга қадар бир йиллик пул маблаглари айланмаси тўғрисида банкдан маълумот. Танлов савдо иштирокчининг молиявий ҳолати, охирги молиявий ҳисобот натижалари иловаси билан Форма № 1, ва Форма № 2 шакллари, Малакали ишчиларнинг буйруқ асосида ишга олинганлиги тўғрисида маълумот ва буйруқ нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати билан қатнашмоғи лозимКорхонанинг шу даврга қадар бир йиллик пул маблаглари айланмаси тўғрисида банкдан маълумот. Танлов савдо иштирокчининг молиявий ҳолати, охирги молиявий ҳисобот натижалари иловаси билан Форма № 1, ва Форма № 2 шакллари, Малакали ишчиларнинг буйруқ асосида ишга олинганлиги тўғрисида маълумот ва буйруқ нусхаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO MUSTAFA FIRST DESIGN | 25 | 25 | 24 | Экспертная | | |
| OOO BUYUK IMORAT TA'MIR | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этиш истагида бўлганлар талабгорлар лойиҳа смета ҳужжатлари, экспертиза хулосаси ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилаётган қурилиш объекти билан тўлиқ танишиб чиқиши, ўзининг проекти (чизмаси)ни тегишли давлат идораларидан тасдиқлатиши. Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). Танлов иштирокчилари фақатгина ташкилот раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс (ишончнома асосида) бўлиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этиш истагида бўлганлар талабгорлар лойиҳа смета ҳужжатлари, экспертиза хулосаси ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилаётган қурилиш объекти билан тўлиқ танишиб чиқиши, ўзининг проекти (чизмаси)ни тегишли давлат идораларидан тасдиқлатиши. Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). Танлов иштирокчилари фақатгина ташкилот раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс (ишончнома асосида) бўлиши лозим.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO MUSTAFA FIRST DESIGN | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО BUYUK IMORAT TA'MIR | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| ООО MUSTAFA FIRST DESIGN | 172 464 571.00 | 170 000 000.00 | 17.06.2022 21:49:34 | 10.00 |
| ООО BUYUK IMORAT TA'MIR | 172 464 571.00 | 171 049 223.00 | 18.06.2022 16:00:49 | 9.94 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| ООО MUSTAFA FIRST DESIGN | 86.4 | 10 | 96.4 |
| ООО BUYUK IMORAT TA'MIR | 79.2 | 9.93866 | 89.13866 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 104835 от 22.06.2022 года на приобретение Наманган тумани мактабгача таълим булим тасарруфидаги 3-сонли ДМТТ ички хожатхоналари ва ташки девор жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ООО MUSTAFA FIRST DESIGN
308297416

и резервный исполнитель: ООО BUYUK IMORAT TA'MIR (308641161)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Член комиссии | MUMINOVA GULLOLA ERKINOVNA | Согласен | |
| Член комиссии | YUNUSOV DILMUROD ABDUBANNAYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | BOLTABAYEVA INOBAT XOLMUROTOVNA | Согласен | |
| Член комиссии | BOBORAXIMOV ABDULLO SHAROFITDINOVICH | Согласен | |
| Председатель комиссии | XAYRULLAYEV TURSUNBOY ULUG'BEK O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: NC84830260

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ NC84830260

**1. Loyihaning turi.** SHartnoma

**2. Loyihaning nomi.**

Namangan tuman MTB va "Mustafa First Design"MCHJ o`rtasida qiymati 170000000 so`m bo`lgan 3-DMTT xojatxona va tashqi devotlarini ta`mirlash ishlarini bajarish shartnomasini tuzish to`g`risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.**

SHartnoma loyihasi Namangan tuman maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 27.06.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **B.To`raboyev**
**2022 yil 28 iyun**

4010955

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUSTAFA FIRST DESIGN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUSTAFA FIRST DESIGN" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.03.2021 964887 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308297416

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Namangan shahri, SOHIL MFY, BOG' KO'CHASI, 38-uy,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Наманган туман молия бўлими
мудири
З.Собиржонов
"_____" Апрел 2022 йил

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Наманган туман ҳокими
Мўминов
"_____" Апрел 2022 йил

Наманган туман бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | |
| Наманган туман "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | 4 978 746 |
| Наманган туман Халқ таълими бўлими | | | | |
| 1 | 860400156 | Наманган туман 21-сонли Давлат ихтисослаштирилган Мактаб интернатида таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун | 1 659 | 999 875 |
| 2 | 860400301 | Наманган туман Чағир МФЙ 16-умумий ўрта таълим мактабининг 250 метр масофани девор билан ўраш | 1 646 | 160 000 |
| 3 | 860400120 | Наманган туман 21-умумий ўрта таълим мактабга янги хожатхона қуриш ва бошлангич ўқув корпусини пол қисмини жорий таъмирлаш керак | 1 094 | 360 000 |
| 4 | 860400022 | Наманган туман 30-умумий ўрта таълим мактабини хожатхона биносини жорий таъмирлаш | 1 037 | 80 000 |
| Халқ таълими бўлимига жами ажратилган маблағ | | | | 1 599 875 |
| Наманган туман Мактабгача таълим бўлими | | | | |
| 1 | 860400102 | Наманган туман 12-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳудуд атрофини девор билан ўраш, кўмирхона ва хожатхона қуриш | 2 070 | 220 000 |
| 2 | 860400099 | Наманган туман 3-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳудуди атрофини девор билан ўраш ва ички хожатхоналарни канализация билан таъмирлаш | 1 915 | 180 000 |
| 3 | 860400117 | Наманган туман 26-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини ташқи фасад қисмини таъмирлаш, бино олд ва орқа қисми эшик ромларини янгилаш ва хожатхонани таъмирлаш | 937 | 270 000 |
| 4 | 860400101 | Наманган туман 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳудуди атрофини девор билан ўраш ва бино орқа қисми эшик ромларини янгилаш | 935 | 240 000 |
| Мактабгача таълими бўлимига жами ажратилган маблағ | | | | 910 000 |
| Наманган туман Тиббиёт бирлашмаси | | | | |
| 1 | 860400196 | Наманган туман Тиббиёт Бирлашмасининг моддий техник базасини яхшилаш учун зарур ускуналар сотиб олиш учун | 2 102 | 400 000 |
| 2 | 860400341 | Наманган туман Тиббиёт Бирлашмасининг ички хожатхонасини замонавий тартибда таъмирлаш | 1 996 | 140 000 |
| Тиббиёт бирлашмасига жами ажратилган маблағ | | | | 540 000 |
| Наманган туман Ободонлаштириш бошқармаси | | | | |
| 1 | 860400318 | Қоракўл МФЙ Норин ва Норин 1 кўчаларига тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш | 1 809 | 50 000 |
| 2 | 860400314 | Наманган туман Миришкор МФЙ Миришкор қабристони ҳудудига Ёғоч айвон ва кириш эшигига дарвоза ўрнатиш керак | 1 010 | 200 000 |
| 3 | 860400293 | Наманган туман Курмак МФЙга Тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш | 987 | 150 000 |
| Ободонлаштириш бошқармасига жами ажратилган маблағ | | | | 400 000 |
| Наманган туман ҳокимлиги | | | | |
| 1 | 860400302 | Наманган туман Шамсиқўл МФЙ Шамсиқўл кўчасида 2-тип Спорт комплексини қуриш | 1 434 | 580 000 |
| 2 | 860400285 | Наманган туман Паст қиёт МФЙ ҳудудида тоза ичимлик сув тармоғини тортиш | 1 068 | 185 000 |
| 3 | 860400305 | Наманган туман Эшобод МФЙ ҳудудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун | 1 015 | 92 000 |
| 4 | 860400310 | Наманган туман Элатан МФЙ ҳудудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун | 953 | 130 000 |
| 5 | 860400309 | Наманган туман Қўрғонча МФЙ ҳудудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун | 836 | 76 000 |
| Наманган туман ҳокимлигига жами ажратилган маблағ | | | | 1 063 000 |
| Наманган туман бўйича жами ғолибларга ажратилган маблағ | | | | 4 512 875 |
| Тақсимланмаган маблағ* | | | | 465 871 |

Утверждаю

Наманган тумани МТБ мудири [illegible] Хўжаев

# Дефектный акт

На текущий ремонт здание МТТ №3 Наманганского района Наманганской области

Г. Наманган «14» 05 2022г

Мы ниже подписавшиеся составе комиссии
Тум. бўл бошл. Ак.Рахимов, тум. бўл мутахассиси Т. Хайруллаев, [illegible] раиси Г. Мўминов, [illegible] раиси О. Тухтаев, 3-МТТ хўжалик мудири Д. Юнусов.
произвели осмотр данного объекта и выявили нижеследующие работы и затраты:

| №№ | НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ | ЕД.ИЗМ | КОЛ-ВО |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | ВК | | |
| 1 | СМЕНА САНИТАРНЫХ ПРИБОРОВ: УНИТАЗОВ | 100ШТ | 0,2 |
| 2 | СМЕНА САНИТАРНЫХ ПРИБОРОВ: УМЫВАЛЬНИКОВ | 100ШТ | 0,14 |
| 3 | РАЗБОРКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ЧУГУННЫХ КАНАЛИЗАЦИОННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ | 100М | 0,2 |
| 4 | РАЗБОРКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ЧУГУННЫХ КАНАЛИЗАЦИОННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ: 100 ММ | 100М | 0,385 |
| 5 | ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ | 100М | 0,2 |
| 6 | ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 110 ММ | 100М | 0,385 |
| 7 | ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДНЕГО ТИПА НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ 20 ММ | 100М | 0,28 |
| 8 | ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДНЕГО ТИПА НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ 25 ММ | 100М | 0,2 |
| | АДАПТОР Д-20ММ НР.РЕЗЬБА | ШТ | 34 |
| | ТРОЙНИК ПЕРЕХ.Д-25Х20Х25ММ | ШТ | 34 |
| | ТРОЙНИК Д-20Х20Х20ММ | ШТ | 2 |
| | ОТВОД Д-20ММ | ШТ | 34 |
| | МУФТА Д-25ММ | ШТ | 10 |
| | МУФТА Д-20ММ | ШТ | 8 |
| | ВЕНТИЛЬ Д-20ММ | ШТ | 14 |
| | КЛИПСЫ Д-25ММ | ШТ | 5 |
| | КЛИПСЫ Д-20ММ | ШТ | 18 |
| | ТРОЙНИК КОСОЙ ИЗ ПОЛИЭТИЛ.Д.50Х50ММ | ШТ | 2 |
| | ТРОЙНИК ПРЯМОЙ ИЗ ПОЛИЭТИЛ.Д.100Х50Х100ММ | ШТ | 3 |
| | ОТВОД П/Э Д-50ММ | ШТ | 4 |
| | МУФТА Д-50ММ | ШТ | 2 |
| | КЛИПСЫ Д=50ММ | ШТ | 10 |
| | КЛИПСЫ Д=100ММ | ШТ | 10 |
| | ВЫГРЕБ | | |
| 9 | РАЗРАБОТКА ГРУНТА В ОТВАЛ ЭКСКАВАТОРАМИ "ДРАГЛАЙН" ИЛИ "ОБРАТНАЯ ЛОПАТА" С КОВШОМ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,25 М3, ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 1000М3 | 0,085 |
| 10 | РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 100М3 | 0,12 |
| 11 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ГРАВИЙНЫХ | М3 | 3,4 |
| 12 | УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ БЕТОННЫХ | 100М3 | 0,0601 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА АIII, ДИАМЕТРОМ 10 ММ | Т | 0,134 |
| 13 | УСТРОЙСТВО СТЕН И ПЛОСКИХ ДНИЩ ПРИ ТОЛЩИНЕ ДО 150 ММ ПРЯМОУГОЛЬНЫХ СООРУЖЕНИЙ | 100М3 | 0,1417 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА AIII, ДИАМЕТРОМ 10 ММ | Т | 1,205 |
| 14 | УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИЙ ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ В ОДИН СЛОЙ | 100М2 | 0,694 |
| 15 | УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИЙ ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ НА КАЖДЫЙ ПОСЛЕДУЮЩИЙ СЛОЙ | 100М2 | 0,694 |
| 16 | УСТАНОВКА ПАНЕЛЕЙ ПЕРЕКРЫТИЙ С ОПИРАНИЕМ ПО КОНТУРУ ПЛОЩАДЬЮ ДО 5 М2 | 100ШТ | 0,04 |
| 17 | УСТРОЙСТВО ПЕРЕКРЫТИЙ ПО СТАЛЬНЫМ БАЛКАМ И МОНОЛИТНЫЕ УЧАСТКИ ПРИ СБОРНОМ ЖЕЛЕЗОБЕТОННОМ ПЕРЕКРЫТИИ ПЛОЩАДЬЮ ДО 5 М2 ПРИВЕДЕННОЙ ТОЛЩИНОЙ ДО 150 ММ | 100М3 | 0,0077 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА AIII, ДИАМЕТРОМ 10 ММ | Т | 0,084 |
| 18 | УСТРОЙСТВО СЕЙСМО ПОЯСА ИЗ БМ-200 | 100М3 | 0,00792 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА AIII, ДИАМЕТРОМ 10 ММ | Т | 0,049 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ГЛАДКАЯ КЛАССА AI, ДИАМЕТРОМ 6 ММ | Т | 0,016 |
| | КОЛЬЦО СТЕНОВОЕ КРУГЛЫХ КОЛОДЦЕВ КЦ-7-9,СЕРИЯ 3.900-3В.7 | ШТ | 3 |
| | ИЗД ДЛЯ КРУГЛ КОЛОДЦЕВ КЦО-1 3.900-3 ВЫП7 | ШТ | 1 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА AIII, ДИАМЕТРОМ 14 ММ | Т | 0,025 |
| 19 | УСТАНОВКА ЛЮКА | ШТ | 1 |
| | **ОГРАЖДЕНИЯ** | | |
| 20 | РАЗБОРКА КЛАДКИ СТЕН ИЗ: КИРПИЧА | 10М3 | 1,9785 |
| 21 | УСТАНОВКА ВОРОТ МЕТАЛЛИЧЕСКИХ С РАЗДВИЖНЫМИ ИЛИ РАСПАХИВАЮЩИМИСЯ ПОЛОТНАМИ И КАЛИТКАМИ В ПОДГОТОВЛЕННЫЕ ПРОЕМЫ | 100М2 | 0,1525 |
| 22 | РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 100М3 | 0,168 |
| 23 | УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ БЕТОННЫХ | 100М3 | 0,392 |
| 24 | УКЛАДКА ШЛАКОБЛОК СТЕН | М3 | 71,75 |
| | КИРПИЧ БЕТОННЫЙ БЕЛЫЙ 400Х200Х200ММ | ШТ | 3500 |
| | КИРПИЧ БЕТОННЫЙ КРАСНЫЙ 400Х400Х200ММ | ШТ | 396 |
| | ШАПКА БЕТОННЫЙ КРАСНЫЙ 600Х400Х50ММ | ШТ | 245 |
| | ШАПКА ТУМБА БЕТОННЫЙ КРАСНЫЙ 500Х500Х50ММ | ШТ | 36 |
| 25 | УСТРОЙСТВО БЕТОННЫХ КОЛОНН БЕЗ ОПАЛУБКЕ ВЫСОТОЙ ДО 4 М, ПЕРИМЕТРОМ ДО 2 М | 100М3 | 0,0693 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА AIII, ДИАМЕТРОМ 12 ММ | Т | 0,14 |
| | АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ, ГЛАДКАЯ КЛАССА AI, ДИАМЕТРОМ 6 ММ | Т | 0,0245 |
| 26 | УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН | 100М2 | 1,232 |
| 27 | УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН | 100М2 | 1,232 |

НАСТОЯЩИЙ АКТ СОСТАВИЛИ:

Қурилиш бўлим бошлиғи Н. Рахмонов

Қурилиш мутахассиси Т. Хайруллаев

Касаба уюшма Г. Муминова

Ишчилар раиси О. Хўжаев

3-МТТ хўжалик мудири Ю. Юнусов

ДАТА «_____» ____________________ 2022 г